O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# O'ZBEKISTON OVOZI

**Shu aziz Vatan — barchamizniki**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

**IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA**

• 2007-yil • 27-dekabr • Payshanba • 157-158 (27.803) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


**«Ўзбек халқи азалдан ўзининг юксак ақл-заковати, буюк мутафаккирлари билан машҳур. Уларнинг бугунги ворислари ўз келажагини мустақил белгилаш ва янги, мутараққий жамият барпо этишга, ўзига муносиб йўлбошчи танлашга қодир».**

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАР

Мамлакатимизда 2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов муносабати билан Президент Ислом Каримов номига табрик қўнғироқлари ва телеграммалари келмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2007 йил 24 декабрда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни юксак давлат раҳбари лавозимига сайлангани муносабати билан табриклади ва унга ҳамда Ўзбекистон халқига муваффақиятлар, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилади.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Украина Президенти Виктор Ющенко ҳам телефон орқали мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий табрик ва эзгу тилакларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон раҳбари номига Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаодан келган табрик телеграммасида бундай дейилган:

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

*Жаноби Олийлари,*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табрик ва истакларимни йўллашдан мамнунман.*

*Хитой ва Ўзбекистон яхши қўшнилар бўлиб, мамлакатларимиз халқларини анъанавий дўстлик ришталари боғлаб туради. Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган ўн беш йил мобайнида ҳар икки томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, тенг ҳуқуқли, манфаатли ва дўстона ҳамкорлик ҳамда шериклик муносабатлари ўрнатилди.*

*Мамлакатларимиз сиёсат, иқтисодиёт, савдо, энергетика, хавфсизлик, гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини изчил кенгайтирмоқда ва салмоқли ютуқларга эришмоқда. Давлатларимиз БМТ, ШҲТ ва бошқа кўп томонлама ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.*

*Кейинги йилларда Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик мустаҳкамланаётгани, иқтисодиётнинг изчил ривожланиши давом этаётгани, аҳолининг турмуш даражаси тобора ортиб, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи муттасил юксалиб бораётгани бизни қувонтиради. Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳнамолигингизда ўзининг буюк давлатини барпо этиш йўлида янада улкан муваффақиятларга албатта эришади.*

*Хитой Ўзбекистон халқи ўзи танлаган изчил тараққиёт йўлини юксак қадрлайди, мамлакатингизнинг давлат мустақиллиги, суверенитети ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга, иқтисодий ривожланишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.*

*Мен, Сиз билан биргаликда, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик муносабатларини, дўстлик ва ҳамкорликни янги даражага кўтариш учун келгусида ҳам ўзаро ишонч ва дўстликни, турли соҳаларда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрман.*

*Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва ғоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.*

*Мамлакатингизга куч-қудрат ва равнақ, халқингизга эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман».*

Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборак, Туркия Республикаси Президенти Абдуллоҳ Гул, Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Нгуен Минь Чиэтдан ҳам табрик телеграммалари келди.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.




# Болажонларга — Президент совғаси

**Маълумки, ҳар бир байрамнинг ўзига хос гашти, таровати бор. Айниқса, Янги йил байрами нафақат болажонлар, балки катта ёшдагиларнинг ҳам севимли шодиёнаси ҳисобланади. Бу айёмда кишилар ўзларининг яқинларига совға-салом улашиб, меҳр кўрсатади, яхши тилакларини билдиради. Орамизда ўзгалар эътиборига, ғамхўрлигига муҳтож болажонлар ҳам борки, улар ҳам бундай қувонч ва шодликдан бебаҳра эмас. Улар давлатимизнинг, Юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида.**

Мана бир неча йилдирки, мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларига янги йил туҳфаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси топширилмоқда. Болажонлар учун «Президент арчаси» тантаналари ўтказиб келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйларида 2824 нафар, маҳаллаларда 3-15 ёшгача бўлган 5102 нафар, оилавий болалар уйида 34 нафар ва Мурувват уйида 1501 нафар, гўдаклар уйида 722 нафар, «SOS» болалар маҳалласида 154 нафар шундай болалар тарбияланаётир. Шу кунларда улар учун махсус Президент совғаси тайёрланиб, жойларга етказилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Сен етим эмассан» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси бу эзгу ишни ниҳоясига етказмоқда. Президент совғаси Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларига Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси самолётлари, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларига автотранспорт орқали етказилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда юртимиз осойишталигини сақлаш йўлида қурбон бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари учун ҳам Президент совғаси ташкил қилинган. Уларга 29-30 декабрь кунлари пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтадиган «Президент арчаси» байрам тантаналарида ушбу совғалар топширилади. Тадбирларда Тошкент шаҳридаги 649 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда маҳаллаларда истиқомат қиладиган 748 нафар болалар иштирок этади.

**Шерзод АҲМАТОВ,**
**Халқ таълими вазирлиги ахборот маркази ходими**

**Суратларда:** *Президент совғалари жўнатилмоқда.*



# Ўзбекистоннинг сайлов ўтказиш тажрибасини ўрганса арзийди

**Мамлакатимизда шу йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларини қатор халқаро ташкилотлар ва 30 дан ортиқ хорижий мамлакатдан келган 300 га яқин кузатувчи бевосита кузатиб борди.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловига тайёргарлик, бевосита сайлов жараёнидан олган таассуротлари ҳақидаги фикрларини баён қилишини сўради.**

**Қуйида халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан танишасиз.**

**Тецуджи ТАНАКА, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институтининг ижрочи директори (Япония):**

— Мен борган барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг фаоллиги, айниқса, биринчи марта овоз бераётганларнинг кўтаринки кайфиятини кўрдим. Овоз берувчиларнинг фаоллиги ва сайловнинг барча демократик тамойилларга амал қилинган ҳолда ўтгани менга жуда маъқул бўлди.

Энг муҳими, ташвиқот кампанияси ҳам, сайлов жараёни ҳам ўзбекларга хос одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида ўтди. Ўзбекистондаги сайлов жараёни ривожланган демократик давлатлар сайлов тизимидан асло қолишмайди. Лекин юртингизда, айрим давлатларда бўлгани каби, овоз кетидан қувиб, шарм-ҳаёни, одамгарчиликни унутиш, ур-тўполону гуруҳбозликларни кўрмадим. Сайловга доир барча ишлар ўзбекона бағрикенглик ва донишмандлик билан амалга оширилди. Шарқ халқларига хос ўзаро иззат-ҳурмат, оғир-босиқлик сайловчиларнинг эркин фикрлашида муҳим омил бўлди, деб ўйлайман. Шу боис сайлов тинч ва осойишта ўтгани мени жуда қувонтирди. Демократияни шаллақилик, ур-йиқит ва митингбозликдан иборат иш, деб жуда жўн тушунадиганлар учун бундай ўзига хослик ғайритабиий туюлиши ҳам мумкин. Лекин жаҳон аҳли айрим мамлакатларда сайловларда уюштириладиган бузғунчиликдан иборат талотумлар замирида ва ортида қандай ғайр мақсадлар ва қандай кучлар турганини бугун яхши англаб етмоқда.

Мутахассис сифатида Ўзбекистон иқтисодиёт, сиёсат ва маданият — барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқлар Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

**Нур Жазлан МУҲАМЕД, «Телеком Малайзия Берхад» компанияси директори, Малайзия парламенти аъзоси :**

— Мен халқаро кузатувчи сифатида юртингизда Президент сайловини уюшқоқлик билан ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Тошкент аэропортидаёқ сайлов, номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари ҳақидаги ранг-баранг плакат ва лозунгларга кўзим тушди. Бундай тарғибот материалларини бошқа жойларда — кўчаларда, муассасаларда, ҳатто жамоат транспорти, бекатлару савдо дўконларида ҳам учратдим. Олой бозоридан чиқиб, метрога тушсам, вагонларда ҳам шундай маълумотларга дуч келдим. Айни пайтда, мен мутахассис сифатида яна бир ҳолга эътибор бердим: оммавий ахборот воситаларида ҳам сайлов жараёни, номзодлар ўртасидаги соғлом рақобот кенг ва тенг ёритилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида очиқликни, ошкораликни, транспарентликни ва номзодлар ўртасидаги тенгликни тўла таъминлади, дейиш учун етарлича асос бўлади.

Тошкент шаҳридан ташқари, Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарлардаги қатор сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини бевосита кузатдим. Ўзбекистоннинг сайлов ўтказиш борасидаги тажрибасидан бошқа давлатлар ибрат олса арзийди. Йўқ, бу фақат менинг гапим, хулосам эмас. Ушбу эътирофни мен бошқа кўплаб халқаро кузатувчилардан ҳам бот-бот эшитдим.

Ўзим эса бунга нисбатан чеккароқ ҳудудлар, қишлоқ ва овуллардаги сайлов участкаларида яратилган шарт-шароитларни ўз кўзим билан кўриб, сайловчилар билан бевосита суҳбатлашганимдан сўнг тўла амин бўлдим. Фуқароларнинг сайлов қонунчилиги ва номзодлар ҳақидаги тушунчаси етарли даражада. Самарқанднинг Булунғур туманидаги сайлов участкаларидан бирида биринчи марта овоз берган бир йигит ва қиз билан суҳбатлашдим. Улар ҳамма саволларимга очиқ-ойдин ва мамнуният билан жавоб бердилар. Ўзлари муносиб топган номзодларга овоз берганини айтдилар.

Диққатимни тортган яна бир жиҳат — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини бевосита кузатиб борган деярли барча халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари, хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан сайлов очиқ, ошкора, транспарент ва адолат принципларига тўла амал қилинган ҳолда ўтгани эътироф этилди.

Мен Малайзия парламенти аъзоси, депутат, кўплаб мамлакатларда сайлов жараёнини бевосита кузатган мутахассис сифатида шуни алоҳида қайд этишни истар эдимки, 2007 йил 23 декабрда миллий қонунчилик, халқаро нормалар ва стандартлар асосида ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови легитим ва қонунийдир.

**Тоҳир ФОРУҚ, «Иттиҳод» газетаси муҳаррири (Покистон) :**

— Журналист бўлганим учун Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари фаолияти, уларнинг Президент сайловидаги иштироки билан қизиқдим. Сайлов жараёни мингдан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ёритилгани алоҳида эътиборга молик.

23 декабрь куни Бухоро вилоятидаги бир қатор сайлов участкаларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдим. Барча участкалар зарур техник воситалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, адабиётлар билан тўла таъминланган экан. Кўча-кўйда, транспорт воситаларида, аҳоли гавжум жойларда номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастури акс этган ташвиқот воситаларининг кўплиги диққатимни тортди. Сайловчиларнинг айримлари билан суҳбатлашдим. Улар Президентликка номзодларнинг дастури билан яхши таниш экани, сайловда ихтиёрий равишда қатнашиб, ўзи танлаган номзод учун овоз бераётганини айтди.

Баъзи мамлакатларда сайлов кампаниясини ҳаддан ташқари шовқин-сурон, ур-йиқит, бир-бирининг устидан мағзава тўкиш, ниҳоясиз митинглар, намойишлар билан ўтказиш демократия сифатида баҳоланади. Ўзбекистонда сайлов жараёни тинч-осойишта ўтгани бу юртда шарқона қадриятлар, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, андиша, вазминлик, инсонийлик ва бағрикенглик сингари эзгу фазилатлар барқарор эканидан далолатдир. Демократия эса аввало ўзгага ҳурматдан бошланади. Катта-кичик ҳурмат қилинмайдиган, қонун тан олинмайдиган, шарм-ҳаё унутилган юртда бошбошдоқлик бошланади.

Ўзбек халқи эса азалдан ўзининг юксак ақл-заковати, буюк мутафаккирлари билан машҳур. Уларнинг бугунги ворислари ўз келажагини мустақил белгилаш ва янги, мутараққий жамият барпо этишга, ўзига муносиб йўлбошчи танлашга қодир. Сайловда умумий сайловчиларнинг тўқсон фоиздан кўпроғи овоз бергани халқнинг аҳиллиги, юксак даражадаги сиёсий онги ва фаоллиги, юрт истиқболига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Дастлабки маълумотларга биноан, Ислом Каримовнинг салкам 90 фоиз овоз олгани эса халқингизнинг ўз Юртбошисига бўлган юксак ишончининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ватанимга қайтиб боргач, ўзим ишлаётган газетада Ўзбекистон ҳақида, бу ерда демократик тамойиллар асосида, очиқ-ошкора ўтказилган Президент сайлови ҳақида мақола ёзиш ниятидаман. Ўзбекистондаги тинч-осуда, эркин ва баракотли ҳаётга менинг жуда ҳавасим келди.

**ЎзА мухбирлари С.ШОЕВА, Ж. КЕНГБОЕВ, Р.ЖАББОРОВ ёзиб олдилар.**

*(Давоми 2-бетда)*

**ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

# Сиёсий партиялар роли

## давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизациялашда муҳим аҳамиятга эга

**Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари ва масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги партия фаоллари, Марказий Кенгаш экспертлари ҳамда партия матбуоти ходимлари иштирок этдилар.**



— Маълумки, 2008 йилнинг 1 январидан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун кучга киради, — деди Марказий Кенгаш раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Партия тузилмаларида ушбу мавзунинг муҳокама этилишидан асосий мақсад электорат вакиллари билан бевосита ишлайдиган фаоллар, экспертлар, барча даражадаги депутатлар ва партия ходимлари ўртасида Конституциявий

2-бет

**Навоий шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг 2007 йилги фаолияти ҳамда 2008 йил — Ёшлар йилидаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

# Эътибор марказида — ёшлар масаласи

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар тарафлама баркамол этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Навоий вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Жорий йилда Навоий шаҳри, Томди, Нурота, Қизилтепа туманларида ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» ташкил этилди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда қарийб саккиз ярим минг ёш оилага имтиёзли ипотека кредити бериш кўзда тутилмоқда.

Мажлис қатнашчилари ечимини кутаётган муаммолар, 2008 йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар хусусида атрофлича фикрлашдилар.

Йиғилишда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев сўзга чиқди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири**


O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

**Сўз — халқаро кузатувчиларга**

# Ўзбекистоннинг сайлов ўтказиш тажрибасини ўрганса арзийди

**Лутфилла ТЎРА, «Mobiliya» компанияси директори (АҚШ):**

— Мен даставвал сайловга тайёргарлик жараёни билан танишар эканман, оммавий ахборот воситалари томонидан ушбу жараён кенг ёритилаётганига гувоҳ бўлдим. Жамоат жойлари — маҳаллалар, мактаблар, транспорт воситалари, олий ўқув юртлари, кўчаларда ҳам энг кўринарли жойларга номзодларнинг дастурлари ва таржимаи ҳолига оид ранг-баранг тарғибот материаллари осиб қўйилганини кўрдим.

Сайлов замонавий воситалар билан жиҳозланган биноларда, батартиб, осойишта ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Сайловчиларга ҳеч ким, ҳеч қандай таъсир ўтказмади. Нафақат ёши улуғлар, ҳатто энди 18 ёшга тўлган навқирон авлод вакиллари ҳам ўз хоҳиш-иродасини фаоллик билан эмин-эркин адо этди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Ислом Каримов энг кўп — салкам 90 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Сайловчиларнинг Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаши Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришга доир масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканини тўғри англаб етганидан далолатдир.

**Виталий ВИДЯПИН, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ректори:**

— Ўзбекистонда Президент сайлови демократик тамойиллар асосида ўтгани кўплаб россияликлар қатори мени ҳам қувонтирди. Сайлов — халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу орзу-умидларининг ифодасидир. Миллионлаб сайловчилар иштирокида, уч юзга яқин халқаро кузатувчилар назорати остида ўтган бу йирик сиёсий тадбир ўзбек халқи тарихидаги муҳим воқеалар қаторидан жой олади.

Президентликка номзодлар орасида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган, шунингдек, аёл кишининг номзоди борлиги сайловнинг муқобиллик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган ҳолда ўтганидан яна бир далилдир. Мен Фарғона вилоятидаги бир қатор сайлов участкалари фаолиятини кўздан кечирдим. Участкаларга келган ҳар бир сайловчи, ёши, касбу кори, ижтимоий мавқеидан қатъи назар халқ, Ватан тақдирига бефарқ эмаслигини англаб етдим.

**Тошио ШИШИДО, «Фукушимо — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ижрочи директори (Япония):**

— Илгари ҳам Ўзбекистонда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ўтган давр мобайнида юртингиз янада гўзаллашиб, шаҳар ва қишлоқларингизнинг чиройига чирой қўшилибди.

Сайлов тизими ҳам анча такомиллашганини кўрдим. Сайловда турли партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан, жами тўрт номзоднинг иштирок этиши сайловчилар учун танлаш имкониятини янада кенгайтирди.

Фуқароларнинг сиёсий дунёқараши, сайлов тўғрисидаги билим ва кўникмалари ошган. Фарғоналик бир қанча сайловчилар билан бевосита суҳбатлашиш асносида бунга тўла амин бўлдим.

**Амир Маҳмуд БХАТТИ — «Dayli Pakistan» газетаси мухбири (Покистон):**

— Мен Бухоро вилоятидаги учта сайлов участкасида бўлиб, халқингизнинг мазкур сиёсий жараёндаги иштирокини кузатдим. Сайлов ёпиқ-яширин овоз бериш тартибида ўтди. Бу сайловчиларга ўзи танлаган номзод учун овоз беришига имконият яратадиган энг мақбул усул.

Тадбир жараёнида кўплаб сайловчилар билан суҳбатлашдим. Уларнинг барчаси миллий сайлов қонунчилигини яхши билар экан. Булардан кўриниб турибдики, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари юқори савияда ташкил этилган. Оммавий ахборот воситалари фаол иш олиб борган.

Дарвоқе, матбуот ходимлари ҳақида гап кетар экан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг сайлов жараёнидаги дадил ва фаол саъй-ҳаракатлари менга жуда ёққанини таъкидламоқчиман. Улар сайловга оид барча тадбирларда — Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида, брифингларда, сайлов участкаларида, овоз бериш бюллетенларини санашда фаол иштирок этдилар. Бу мамлакатингизда матбуот эркинлигига кенг йўл очилганини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти сайлови миллий қонунчилик ва халқаро нормаларга тўла амал қилинган ҳолда ўтказилди.

**Теруэ ОКАДА, Токио университетининг илмий ходими (Япония):**

— Сайлов жараёнини катта иштиёқ билан кузатар эканман, юртингизда ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва алтернатив асосда, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтгани мамлакатда демократия тамойилларига тўла амал қилинаётганидан, сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир.

Сайловолди ташвиқотларининг изчил ўтказилгани ва сайловчиларни сайлов жараёнидаги тартиб қоидалар билан кенг таништирилгани, уларнинг эркин хоҳиш-ирода билдириш ва яширин овоз бериши учун зарур имкониятлар яратди. Бундай шароитни барча давлатда ҳам учратиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг тўртталаси учун ҳам сайловолди тарғиботида тенг имконият яратилди.

Ўзбекистон фуқаролари ўз конституциявий ҳуқуқларини яхши биладилар. Улар Президент сайловида мана шу ҳуқуқларидан фойдаланиб, ихтиёрий равишда овоз бердилар.

**ЎзА мухбирлари Б.ХИДИРОВА, М.СУЛАЙМОНОВ, С.ШОЕВА ёзиб олдилар.**

## Пол Габриэл:

# Мен Ўзбекистонда чинакам демократия намунасини кўрдим

### БИРИНЧИ КУН

...Малайзиялик машҳур журналист, «Star» газетаси ходими Пол ГАБРИЭЛни сайловдан уч кун аввал Тошкент халқаро аэропортида таржимон йигит Хайрулла Норматов билан кутиб олдик. Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун пойтахтимизга ташриф буюрди. Самимий ва очиқкўнгил Пол Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилган куниёқ ҳайратини яширолмади: «Мен ҳеч тасаввуримга сиғдиролмаяпман кўрганларимни. Тошкентни бунақа гўзал, обод шаҳар деб ўйламагандим... Ҳавоси бироз совуқроқ бўлса-да, лекин одамларининг юз-кўзларидаги меҳр-муҳаббат мени иситиб юборди.»

Пол Габриэл билан аввал Марказий сайлов комиссияси раиси ҳузурига малайзиялик ва индонезиялик халқаро кузатувчилар учун уюштирилган қабул маросимига бордик. Жуда самимий ва қизиқарли руҳда кечган мулоқотдан унинг кўнгли кўтарилиб чиқди. Шу куни то шом тушгунича шаҳримиздаги бир неча тарихий музейларни кўздан кечиргач, сайловга тайёргарлик жараёни қандайлигини билиш учун Ҳастимом сайлов участкасини кўришга ҳам улгурди. У ердан қайтаётганида таржимон орқали «эртага қаерга борамиз? Иложи бўлса чеккароқ жойларни кўрмоқчи эдим...» деб сўради. Мен эртасига қадим Самарқандга жўнашимизни айтганимда у жуда суюниб кетди. Ва...

### 22 ДЕКАБРЬ. ТОШКЕНТ. САҲАР.

...«Регистон» тезюрар поездида кўҳна шаҳар сари йўлга чиқдик. Пол Габриэл эса ҳали қоронғулиги боис тез ухлаб қолди. Бир пайт Тошкентдан шитоб билан жўнаган поезд Сирдарёдан ўтаётганида уйғониб кетди ва «Э, кўприкдан ўтаяпмизми, бу қандай дарё? Кун ёришиб кетибди-ку!» дея перронга чиқиб олди. Ёнидаги таржимон ҳам чарчаб кетди-ёв. Нега десангиз, сезиб турибман, у ҳар қадамда кўрганларига изоҳ сўрайди. Хайрулла аниқ-равшан қилиб унинг сўзларини менга тушунтиради: «Ўзбекистон кичкина бир мамлакат, фақат аграр соҳа орқали одамлари тирикчилик қилишади, пахтани кўп экади, деб ўйларкан. Ҳатто кечаям Тошкент кўчаларини тўлдириб юрган ўзбек машиналарини кўриб, ҳайрон бўлувди. Энди эса йўл-йўлакай Сирдарё, Гулистон ва Жиззахдаги гўзал ва ҳашаматли манзараларни кўриб, кўзларига ишонмаяпти. Мана ҳозиргина бир сурув қўй боқиб юрган болани кўрсатиб, «кимнинг қўйлари?» девди, мен «кимники бўларди, ўзиникида» десам у «бой экансизлар-ку жудаям» деб кулди...

### ГАБРИЭЛНИНГ ҲАЯЖОНИ

...Тўрт соатга етар-етмас «ер юзининг сайқали» деб таърифланган шаҳри азимга етиб келдик. Ҳамроҳимиз ҳали меҳмонхонага жойлашмасданоқ сўраб қолди: «Қайтиш қачон?» Ҳайрон бўлганимизни сезгач, яна таржимонга тушунтирди: «Мен улгура олармиканман бу катта шаҳарни кўришга»?

Шу куни 22 декабрь эди. Дастлаб машҳур Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилдик. Сўнгра Регистон майдонига ўтдик. Йўл-йўлакай оддий одамлар билан суҳбатлашамиз. Пол юртдошларимизнинг Президент сайловига муносабатини сўрайди-да, митти дафтарчасига ўз қайдларини ёзиб қўяди. Айниқса, тоғли Нуротадан келган бир отахонни тўхтатиб «Сиз овоз беришга тайёрмисиз?» деб сўради. Бир таржимонга, бир ажнабий тилда гаплашаётган одамга қараб, ҳалиги чол ҳам бўш келмай «Бўлмасам-чи болам, бир замонлар кимга овоз берганимизниям билмасдик, ҳозир қара, ҳаммаёқда Президентликка номзодларнинг расмлари осиғлиқ, телеви-



зур, радиолар гапириб, газеталар ёзиб ётибди. Эртага насиб этса, барча ўғил-қизларимни ёнимга олиб овоз бераман. Ҳов, тилмоч улим, мен нима деган бўлсам, битта қолдирмай меҳмонга айтиб бер. Булар ўйламасин, ўзбекди чоллари сайлов ҳақида сўрасак, шошиб қолди, деб»...

Пол эса кулиб-кулиб отахон билан хайрлашди. Сўнг шаҳардаги тиббиёт коллежи биносида жойлашган 125-сайлов участкасига бориб, сайловга тайёргарлик жараёни билан қизиқди. Ўз участкаларига хориждан халқаро кузатувчи келганини кўрган участка сайлов комиссияси раиси Олимжон Раззоқов ҳам шошилмай, амалга оширилган тадбиру режаларни бирма-бир сўзлаб берди. Бутун мамлакатимизда рўй бераётган энг улкан ўзгаришлару бунёдкорликлар замирида ҳам эртанги оламшумул воқеанинг ўрни ва қадри нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини у ўзи билан учрашган-кўришган ҳар бир сайловчининг тўлқинланиб сўзлаганини кўриб, янада ҳаяжонга тушди.

### «САМАРҚАНДГА ЯНА КЕЛАМАН...»

...Соат роппа-роса саккизда меҳмонимиз туни билан ёғиб чиққан оппоқ қорни қўлига олиб, «бу оқлик рамзи — ўзбекистонликларнинг нияти ниҳоятда пок эканлигини кўрсатяпти» дебди таржимонимизга. Дарвоқе, ҳар кўрган манзараю- ҳолатлардан ҳикмат излаш ҳар кимгаям хос фазилат эмас. Лекин бизнинг ҳамроҳимиз ана шундай кўнгли очиқ инсонлиги боис Самарқандда бир дунё хотираларга гувоҳ бўлди.

✧✧✧

...18-сайлов участкасидамиз. Рўйхат бўйича 3300 нафар киши овоз берадиган энг йирик манзиллардан бири экан. Ичкарига кирибоқ, одамларнинг шодмонлиги ва кайфиятини кўрган Пол Габриэл бироз оёқда туриб, бу жонли манзараларни кузатди. Ўзига ажратилган махсус жойга шошилмай бориб ўтирган ҳам эдики... инглизча талаффузда саломлашган отахонни кўриб, янада суюнди. Иккаласи бемалол гаплаша бошлагач, таржимон ҳам ўрнидан секин турди. Ўзини маҳалла оқсоқоли, деб таништирган Исоқжон ака Саидаҳмедов Малайзиядан келган меҳмонга илтифот кўрсатиб, чой узатаркан, қўшиб қўйди: «Бизни одамлар жуда фаол. Кўрасиз, пешингача тўқсон фоиз сайловчи келиб бўлади. Айниқса, бу галги сайловга элдошларимизнинг қизиқиши жуда баланд. Негаки, ҳамма билади энди, бугун муболағасиз айтаман, Ватанимизда тарихий воқеа. Биз ўз овозимизнинг аввало мамлакат тақдирида, қолаверса, эртанги келажагимиз учун нечоғли муҳим эканини яхши биламиз...»

✧✧✧

Кузатувчи билан 1251 нафар сайловчи овоз берадиган 78-, 1875 нафар юртдошимиз рўйхати илинган 97-сайлов участкаларига ҳам бордик. Уларда ҳам ҳали соат ўн иккига етар-етмас овоз берган сайловчилар саксон фоизга етибди. Ҳар иккала манзилда ҳам фуқароларнинг фаол ва намунали овоз бераётганини кузатган меҳмон ҳар бир жойдаги махсус дафтарчаларга ўз қайдларини ёзиб қўйди.

Унинг рухсати билан таржимон ёрдамида айрим қайдларни кўчириб олдим: «МЕН ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИЯ НАМУНАСИНИ КЎРДИМ. ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ЯХШИ БИЛАР ЭКАН. ЭНГ МУҲИМИ, БУ САЙЛОВ ЎЗ ТАҚДИРЛАРИНИ ЎЗЛАРИ БЕЛГИЛАЁТГАН ВА ЭНДИГИНА МУСТАҚИЛ БЎЛГАНИГА 16 ЙИЛ ТЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДАЙ ЁШ ДАВЛАТ УЧУН КАТТА ЎТИШ ИМТИҲОНИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ!»

✧✧✧

Самарқанд туманидаги Қуйи Арабхона қишлоғидаги сайлов участкасига етиб келганимизда ичкари жуда гавжум экан. Ажиб бир қизиқиш билан овоз бериш жараёнларини кузатаркан, Пол Габриэл «қишлоқ билан шаҳар ўртасида деярли фарқ йўқ экан-ку сизларда!» дедида, яна қўлига ручкасини олиб ёзишга тушди: «САМАРҚАНДДА КЎРГАНЛАРИМНИ МАЛАЙЗИЯГА БОРИБ, ВАТАНДОШЛАРИМГА АЙТИБ БЕРАМАН. СИЗЛАРНИ БУГУН ЖУДА УЛУҒ ВА ТАРИХИЙ КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРГАНЛАРИНГИЗ БИЛАН ҚУТЛАЙМАН.»

Қишлоқ кўчасидан қайтаяпмизу кузатувчининг нигоҳи ташқарида. Яна тинмай саволлар беради: «Манави данғиллама уйда кўпчилик яшайдими?», «Ҳув олдинда кетаётган «Кіа» машинаси эгаси тижоратчими?»... Атай сезгандай ҳалиги машина ҳам биз билан тенглашиб юра бошлади. «Хоҳласангиз уни тўхтатиб танишамиз», деди мезбонлар. Ўз шахсий машинасидан тушган басавлат киши шошилмай ёнимизга келиб сўрашди. У булунғурлик Мамаюсуф ака Шодмонов экан. Меҳмон ундан «Нима иш қиласиз?» деб сўради. «Қишлоқда оддий бир фермерман» деганини эшитиб, «Сизларда фермерлар шунча бойиб кетганми?» деди. Босиқ ва самимийлиги сезилиб турган суҳбатдошимиз жилмайди-да «Ким сизга айтганди ўзбеклар камбағал, деб» деди. «Ўзбекистон ҳақида тўғриси, биз ғарб матбуоти орқали биламиз» дея у сал хижолат ҳам тортди.

Таржимон гапини тугатар-тугатмас Пол Габриэл қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди. Уч кун орасида ўрганган ўзбекча сўзларини улаб-улаб «раҳмат, Самарқандга яна келаман!» дея қадим шаҳар одамлари билан хайрлашди...

**Норқобил ЖАЛИЛ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

# Сиёсий партиялар роли

## давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизациялашда муҳим аҳамиятга эга

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қонуннинг асосий қоидаларини ўрганиш, тушунтириш, тарғиб қилиш масалалари тўғрисида яна бир бор маслаҳатлашишдир.

Мавзу юзасидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Ражабов** маъруза қилди.

— Партиямиз ташкилотларининг шу йўналишдаги вазифаларини белгилаш, партия фаоллари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзоларини янги ҳуқуқий меъёрлар кучга кириши шароитида ишлашга ҳар жиҳатдан тайёрлаш кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб турибди, — деди у. — Шунингдек, турли тадбирлар орқали Марказий Кенгаш ва вилоят, туман кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар даражасида мамлакатимиз сиёсий партиялари ва уларнинг депутатлик бирлашмаларига берилаётган янги ҳуқуқларнинг аҳамиятини тўғри тушунтириш, партия аъзоларида юқори ижтимоий-сиёсий фаоллик, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга дахлдорлик, миллий демократик институтлар фаолиятида қатнашишга интилиш туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш ҳам муҳим вазифамиздир.

Машғулотда мавзу юзасидан қизғин савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

**Савол: — Партиямиз маҳаллий кенгашларининг янги ҳуқуқий шароитда масъулиятли вазифалари нималардан иборат бўлиши керак?**

**Ф.Ражабов:** — Партиянинг ўрни сайловчиларнинг ишончини қай даражада қозона олиши, депутатлик ўринларини кўпроқ эгаллашига боғлиқ. Шу боис ҳам партия ташкилотлари, депутатларга аввало, электорат орасида фаол иш олиб бориш, унинг манфаатини ифода этадиган амалий ишларни бажариш масъулияти юкланади. Бу масъулиятни партиямизнинг ҳар бир аъзоси ҳис этиши керак.



**Боймурод Юсупов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:** — Қўшимча қилиш мумкинки, қонунни мукаммал ўрганишнинг марказдан жойларгача қамраб олинган тизимини йўлга қўйиш жуда муҳим. Шу мавзудаги суҳбатлар қуйи бўғингача ўтказилиши айни муддаодир.

**Маргарита Аҳмедбекова, ЎзХДП Марказий Кенгаши эксперти:** —Бўлиб ўтган сайловларда шу нарса намоён бўлдики, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг партиялар ва уларнинг фаолиятига қизиқиши катта. Ўйлайманки, экспертлар, фаоллар иштирокида ўқув юртларида, ёшлар орасида ушбу қонуннинг моҳияти тўғрисида машғулотлар ўтказишни янада такомиллаштирсак, айни муддао бўлар эди.

**Савол: — Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ўзини парламент озчиллиги мухолифати деб эълон қилган эди. Айни пайтда фракция фаолиятида мухолифлик сезилаяптими?**

**Ф.Ражабов:** — Аввало, таъкидлаш керакки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган ҳар бир масалада фракциямизнинг ўз фикри, нуқтаи назари бор. Ундан ташқари, фракциямиз ташаббуси билан қуйи палатада бир неча масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда сиз ОАВ орқали хабардорсиз. Биз сўз юритаётган янги Қонунда мухолифат тушунчасига алоҳида тўхталиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Фракциямиз фаолияти бу борада ўзига хос тажриба мактабини ўтаяпти, дейиш мумкин.

Шунингдек, сўзга чиққанлар янги Қонун парламент ислоҳотининг мантиқий давоми ҳисобланиб, партия дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш ва ташаббус кўрсатиш учун принципиал жиҳатдан янги ҳуқуқий майдонни вужудга келтиришига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу сиёсий партиялар фаолиятини янада фаоллаштириш, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишга қизиқишини оширишга хизмат қилади. Янги меъёрлар сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш, аҳолининг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Давра суҳбати иштирокчилари янги қонун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари учун янги имкониятлар бераётгани депутатлар масъулиятни жиддий тарзда ошириши сабабли қуйи бўғинларда шу мавзудаги семинарларнинг асосий иштирокчилари ЎзХДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурдилар

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# Янги иш ўринлари

**Шаҳрихон туманининг Оқтўнлик қишлоғида истиқомат қилаётган ёш тадбиркор Мурoджон Тожибоев черепица — том қопламаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўн нафар киши доимий иш билан таъминланди.**

У аввалига шу турдаги маҳсулот тайёрлаётган ишбилармонлар тажрибасини обдон ўрганиб, сўнгра мўъжазгина цехга замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатди. Тез орада 30Х40 ҳажмдаги, турфа рангли черепицалар тайёрлаш имкони туғилди.

— Маҳсулотимиз пишиқ-пухталиги, иссиқ-совуқ ўтказмаслиги ва шиферга нисбатан кўркамлиги билан харидорларга маъқул тушаяпти, — дейди у мамунлик билан. — Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қум, эски плёнка бўлаклари, пластмасса идишлар ва қопқоқлари хомашё бўлган — чиқитсиз технологиянинг амалдаги натижаси... Яна бир жиҳати, цехимиз ишга тушиши билан ўн нафар ҳамқишлоғимиз янги иш жойларига эга бўлишди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



**Суратда:** цех ишчиси Бахтиёржон Мамадалиев тайёр маҳсулот билан.

**Хурсанд АРАББОЕВ олган сурат.**

ЛУКОЙЛ

Ўзбекистон халқини
**Янги йил билан табриклаймиз!**

Барчага тинчлик, бахт, саломатлик, эзгулик ва фаровонлик тилаймиз!





# Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси





Ўзбекистон халқини, жаннатмонанд юртимиз аҳлини кириб келаётган

## Янги — 2008 йил

билан самимий муборакбод этади!

Янги йилда ҳам мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ҳукм сурини ва озодлик қуёши абадий порлаб туришини тилаймиз. Ўзини шу азиз Ватан фарзандиман, деган ҳар бир инсон юрагида она юртимизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳеч қачон сўнмасин. 2007 йил бизнинг йирик жамоамиз учун ҳам омадли якунланаётганини мамнуният билан таъкидлаймиз. Янги йилдан эса умидимиз катта. «Ёшлар йили» барча юртдошларимизга омонлик, тўкинлик ва фаровонлик олиб келсин.



Доруломон кунлар саодатини, фарзандларимиз бахту иқболини кўриш барчамизга насиб этсин!


«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК

## ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ

*Магистрал темир йўллар рельсларини харид қилишга Р-65 Т1 К76Ф (М76Ф)-25-0 (тирқишсиз) ГОСТ бўйича Р51685-2000 ёки ДСТУ бўйича 4344:2004 Р-65 типидаги, 1 тоифали, пўлатнинг русуми М76Т, узунлиги 25 м., тирқишсиз 10 000 тонна миқдорида белгиланган муддатда етказиб бериш учун (2008 йил 1-3 чорак)*

*№15 тендер эълон қилади.*

*Тендер ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:* ***Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармаси, 410-хона.***

**Телефонлар: 138-84-72, 138-86-34.**

***Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.***



Иқтисодиёт ва ислоҳот

# Эътибор ва эътироф муштараклиги

**муваффақиятлар гарови бўлиши муқаррар, — дейди Денов туманидаги «Акбар» фирмаси раҳбари Абдували Алимов**



Ҳунарли киши асло кам бўлмаган. Унинг касби ҳар доим рўзғор ободлиги, оила фаровонлигига хизмат қилган. Истиқлол шарофати билан меҳнат қиламан, деганлар учун ҳукуматимиз томонидан тобора кенг имкониятлар яратилмоқда. Бугун ҳатто олис қишлоқ ва овулларда ҳам қадим ота-боболаримиздан қолган мерос ҳунарлар тараққий этмоқда. Янги замоннинг янги авлоди аждодлар анъанасини кенг кўламда давом эттиришмоқда.

— Маълумки, Денов азалазалдан савдо-сотиқ макони бўлган, — деб суҳбатни бошлади туман ҳокими Абдусамат Ҳожиқулов. — Шунингдек, чорва, деҳқончиликда ҳам донг таратган. Бугунда эса ишбилармон ва тадбиркорларимиз ўнлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариб тилга тушди. Айни кунларда туманимизда минглаб ана шундай инсонлар фаолият юритишмоқда. Улар нафақат ички бозорни тўлдириш, балки хорижга ҳам маҳсулот чиқариш нияти.

— Аслида ота-боболаримиз ҳам азалдан ҳунар эгаси бўлишган, — дейди «Акбар» фирмаси раҳбари Абдували Алимов. — Шунданми дастлаб савдо-сотиқ билан шуғулландим. 1995 йилнинг кузида С.Отабоев номли ширкат хўжалиги пахтакорларига 2 мингта этак тикиб бердик. Ундан орттирилган даромадга эса Тошкентдан бўёқ маҳсулотлари олиб келдик. Ишнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмас экан. Ишонасизми, дастлаб бир автоуловда маҳсулот келтирилган бўлса, бугунда туман халқининг асосий қисмини таъминлаяпмиз. Ўшандаёқ элга нафимиз текканидан кўнглим тоғдек кўтарилганди.



Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат йиллар давомида ўз натижасини берди. Айни кунларда «Акбар» фаолияти янада кенгайган. Дастлаб бу ерда уч нафар киши меҳнат қилган бўлса, айни кунларда 20 киши иш билан таъминланган. Бешта цехда иш қизғин. Бирида челак тайёрланса, иккинчи бўлимда шпатлёвка, турли рангдаги замонавий тунука шиферлар... Жорий йил баҳоридан эса эшик-ром ишлаб чиқарилмоқда.

— Хуллас 2006 йилда «Акбар» қошида «Биносоз-уста-Олим»ни ташкил этдик, — давом этади суҳбатдошимиз. — Сабаби савдо-сотиқ баробарида ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш эди. Тўғри, тушаётган даромад рўзғорни тебратади. Аммо кам харж қилиб, катта наф кўрилса, кони фойда эмасми? Энг асосийси маҳсулот ўзингдан чиққани афзалда. Янги иш ўринлари яратилиши янада яхши. Ёшлар ҳунар эгаси бўлса, нафақат оиласини тебратади, балки авлодлар ҳам касб эгаллайди.

2006 йилда «Акбар» фирмасида 500 миллион сўмдан ортиқ турли қурилиш маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 2007 йил якунида бу кўрсаткич 600 миллион сўмдан ортди. Соф фойда эса 25 миллион сўмдан зиёд... Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳалол меҳнат қилган кам бўлмас экан. Ишнинг кўзини билганга омад кулиб боқади.

Моддий манфаат бор жойда меҳнатга муносабат ўзгаради. Ривожланиш, барака бўлади. Фирма раҳбари Абдували Алимов ҳам аввало ишчи-хизматчиларнинг рўзғорлари обод бўлишини мақсад қилган. Шу боис, бу ерда меҳнат қилаётганлар аввало ўзлари учун ишлайдилар.

— Ишлаб чиқариш соҳаларини йил сайин кенгайтираяпмиз, — дейди цех бошлиғи Одилжон Охунов. — 2006 йилда «Умаров Абдураҳмон Холиқович» фермер хўжалигини ҳам ташкил этдик. 25 гектарда деҳқончилик қилаяпмиз. 2007 йилги қишлоқ хўжалиги йилида 10 гектар майдондаги ғаллазордан 68 тонна сара буғдой олинди. Пахта режаси ҳам 150 фоизга уддаланди. Хуллас йилни 26 миллион сўм даромад билан якунладик.

Раҳбар, ишнинг кўзини билса муаммо бўлмайди. Сарсон-саргардонликлар барҳам топади. Шундай экан, шиддат билан ўзгараётган замонга қараб ҳаракат қилиш лозим. Биринчи навбатда талаб ва таклиф ўрганилса, ҳеч ким ютқазмайди...

Тўғри, айни кунларда бешта цех, қурилиш маҳсулотлари сотадиган дўконларимиз ишлаб турибди. Янги йилда хўжалик белкураги, шағал саралаш, плитка ишлаб чиқарадиган яна тўртта мини цех қурмоқчимиз. Шунда яна юз нафар киши иш билан таъминланади. Энг муҳими, маҳсулотлар «Ўзбекистон» тамғаси билан хорижга экспорт қилинади. Айни кунларда ишончли шериклар билан шартномалар имзоланмоқда. Насиб этса, кўзлаган мақсадга эришамиз ҳам.

*Бундан ташқари, «Акбар» фирмаси пластик эшик-ром ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи. Албатта, арзон, сифатли маҳсулотнинг мижози кўп бўлади. Бир сўз билан айтганда, ёш тадбиркор Абдували Алимов мустақиллик шарофати билан мулкдор бўлди, ўз қобилиятини намоён этмоқда, янги иш ўринлари яратмоқда.*

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# XORIJDA

## Япония шимолида ер силкинди

**Мамлакат шимоли — Иваэ маъмурий ҳудудида 5,1 магнитуда кучга эга ер силкиниши рўй берди, — дея хабар қилади мамлакатнинг Бош метеорология бошқармаси**

Силкиниш маркази қўшни Мияги маъмурий ҳудудига тўғри келган мазкур «қўзғалиш» тахминан 30 километр чуқурликда бўлган. Жабр кўрганлар ва вайроналар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

## Ҳиндистон — Хитой: қўшма ҳарбий машқ

**Ер шари аҳолисининг учдан бир қисми истиқомат қилаётган ва нуфузига кўра жаҳонда энг йирик давлатлар — Ҳиндистон ва Хитой тарихда илк бор қўшма ҳарбий машқ ўтказди**

«Бу тарихий ва жуда муҳим воқеа. Ҳиндистон армияси бўлинмалари биринчи марта Хитой Халқ-Озодлик армияси бўлинмалари билан қўшма машқда иштирок этадилар», — деган эди Хитойга кетиш олдидан таркибида 100 нафар ҳарбийлар бўлган Ҳиндистон контингенти командири, бригада генерали Д.Дадвал.

Ҳиндистон Мудофаа вазирлиги хабарига кўра, террорчиликка қарши йўналтирилган «Қўлни қўлга бериб — 2007» номли кодлаштирилган мазкур қўшма ҳарбий машқ Хитой жанубида — Мянмо билан чегарадош Юннань провинциясида ўтди.

## Истамбул: ахлат қутисида бомба портлади

**Шаҳарнинг Сефако ҳудудида сешанба куни ахлат қутисига жойлаштирилган қўлбола портлатув қурилмасининг портлаши оқибатида уч киши ярадор бўлди, деб хабар беради «Интерфакс». Портлаш юз берган жой Отатурк халқаро аэропорти ёнида эди. Жабрланганлар ҳақида хабар йўқ**

Ҳозир бу ерда тиббиёт ходимлари ва полиция иш кўраяпти. Туркия оммавий ахборот воситалари терактни бажарган кимсалар ортида курд исёнчилари турганликларини тахмин қилишаётган бўлишса-да, ҳозирча улар тўғрисида ҳеч нарса маълум эмас.

Kanal-D радиостанциясининг хабар беришича, Курд Ишчи партиясининг Европа бўлими Ироқдаги курдлар ҳудудига Туркия ҳарбий ҳаво кучлари бераётган авиа зарбаларга қарши ўч олиш акцияси ўтказиш даъвати билан чиққан.

Эслатиб ўтамиз, Туркия полицияси яқинда Истамбул метросида рюкзаги (халтаси)да уч килограмм оғирликдаги портлатув моддалари бўлган ёш йигитни ушлаган эди.

## Тольяттидаги теракт

**ижрочиси якка ўзи ҳаракат қилган камикадзе эди**



**Шу йил 31 октябрда Тольяттида автобусни портлатган кимса якка ўзи ҳаракат қилган камикадзе бўлган, деб сешанба куни журналистларга маълумот берди Россия Федерацияси прокуратураси ҳузуридаги Терговлар олиб бориш қўмитасининг Самара вилояти бўйича тергов бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи Юрий Слив.**

РИА Новостининг ёзишича, ўша портлатувда 8 нафар киши ҳалок бўлган ва 70 нафардан зиёд киши эса жароҳат олган. «Шубҳа қилинган ва ҳалок бўлган кимса, — деди Слив, — якка ўзи ҳаракат қилган. Ҳозир унинг ҳаракат белгилари аниқланиб, интернет орқали алоқа қилган «нуқта» — жойлари ўрганиб чиқилаяпти. У фойдаланган портлатув қурилмасини қандай тайёрлаш борасида берилган қатор йўл-йўриқлар жойланган бир неча сайтлар аниқланди».

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 3-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ академияси балансидаги 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 562 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси савдодан олинганлигини маълум қилади.



## Сариосиё иқтисодиёт коллежи

**маъмурияти ва талабалари**

**халқимизни Янги 2008 – Ёшлар йили билан самимий қутлайди.**

Замонавий, кўркам масканда айни кунларда
1400 нафар ёшлар молия, бухгалтерия, халқаро бизнес,
банк иши, ЭҲМ йўналишлари бўйича таълим-тарбия олишмоқда.
Мустақиллик шарофати билан фаолият кўрсатаётган
мазкур даргоҳда билим олаётган талабалар
етук кадрлар бўлиб, камол топишлари муқаррар.
Зеро, эзгу мақсадлар муштараклиги
муваффақиятлар гарови бўлиб қолаверади.

**Байрамингиз муборак бўлсин, азиз Ватандошлар!**





## «ХОНҚАДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

**акциядорлик жамияти жамоаси**

*Юртдошларимизни Янги йил байрами билан табриклайди!*

**Юртбошимиз ташаббуси билан «Ёшлар йили» деб эълон қилинган 2008 йилда халқимизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва фаровонлик йўлдош бўлсин.**

**Ватанимизнинг ҳар бир шаҳар-қишлоғи, гўшаси-ю хонадонлари гуллаб-яшнасин.**



**Ниятимиз — ҳар биримизга фарзандларимиз иқболини кўриш насиб этсин!**

## «ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**юртимиз аҳлини кириб келаётган Янги – 2008 йил билан чин дилдан табриклайди.**

Ҳар бир хонадонда шоду хуррамлик, тинч-тотувлик ва аҳиллик бўлишини тилаймиз.
Мамлакатимиз «оқолтин» хирмони келаси йилда янада юксалиб, иқтисодий салоҳиятимиз ошаверсин.

*Янги йил барчамизга қутлув келсин, азизлар!*







Сурхондарё вилояти Денов туманидаги

**«Мирсаид — Бухоро — Денов»**

кўп тармоқли корхона жамоаси

халқимизни Янги йил байрами билан муборакбод этади. Юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тўкин, осмонимиз мусаффо бўлишини тилайди. «Ижтимоий ҳимоя йили»да ташкил этилган мазкур корхонада айни кунларда 12 хил турли ўлчамдаги ранг-баранг плиткалар тайёрланмоқда. Ўтган қисқа даврда 5 минг квадрат метрдан ортиқ қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, келажакда бу кўрсаткич янада ўсиши муқаррар. Кириб келаётган 2008 йилда жамоа паррандачиликни ривожлантиришни ўз олдига навбатдаги мақсад қилиб қўйган. Орзулар ижобат бўлса, албатта барака бўлади. Бундан ташқари, турфа мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган. «Ёшлар йили»да 50 та янги иш ўрни яратиш «Мирсаид — Бухоро — Денов» кўп тармоқли корхонасининг асосий мақсадларидан биридир.

Она-табиатни асраш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир. Зеро атроф-муҳит мусаффолиги авлодлар келажагини ҳам белгилайди. Уларнинг соғ-саломат, бақувват вояга етишларида жаннатмонанд юртимиз табиати муҳим ўрин тутади.

Сариосиё туманида жойлашган Узун ўрмон хўжалиги жамоаси ҳам бу борада хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айни кунларда хўжалик тасарруфида 73 минг гектардан ортиқ ер мавжуд. Шундан 18 минг гектари ўрмон билан қопланган. Ҳар йили 25 гектар майдонда янги ўрмонлар ташкил этилаётир. Хўжаликда қўчатчиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Узун ўрмон хўжалиги жамоаси халқимизни Янги — 2008 йил билан муборакбод этади. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! «Ёшлар йили»да барчамизга хушхабар, яхшиликлар ҳамроҳ бўлсин.

**Узун ўрмон хўжалиги жамоаси.**





Сурхондарё вилояти Денов

**«БОБОДЕҲҚОН»**

бозори очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини Янги — 2008 йил билан қутлайди.

*Мустақиллик йилларида тобора ривожланаётган ўлкамиз янада гуллаб-яшнашига тилакдошмиз. Юртимизда тўйлар кўпайсин. Илоҳим Мустақилликка кўз тегмасин. Бозорлар ободлиги дастурхонлар кўркидир. Бахт-саодат, омад, барчанинг ҳамроҳи бўлсин.*



**«ЎзМалОйл»** UZMAL OIL

Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси

барча ватандошларимизни қутлуғ 2008 йил билан табриклайди!



*Бу байрам барча инсонларга бахт-саодат, битмас-туганмас шодлик келтирсин! «Ёшлар йили» деб эълон қилинган 2008 йилда йигит-қизларимизнинг ғайрат ва шижоатлари янада юксак бўлишига ҳамда орзу-ниятлари амалга ошишига тилакдошмиз.*

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!**



**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ**

Юртдошларимизни, шунингдек фан ва таълим, тиббиёт ходимларини, талаба ёшларимизни яқинлашиб келаётган

**Янги — 2008 йил**

билан чин дилдан муборакбод этади!

*«Ёшлар йили» барчамизга сиҳат-саломатлик, тўкин-сочинлик, ёшларимизга бахт ва омад, муваффақиятлар олиб келсин! Тараққиётимиз ривожига билими, лаёқати, изланиш ва кашфиётлари билан ўз ҳиссасини қўшаётган ёш авлодга юксак баркамоллик тилаб қоламиз.*

Ўзбекистон ва жаҳон

# Номоддий маданий мерос

## ёки ушбу тушунча билан боғлиқ урф-одатлар, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билим ва кўникмалари ҳақида

Халқимизнинг инсоният тараққиётига, фан ва маданият, санъат соҳалари ривожига қўшган улкан ҳиссаси бугун бутун дунёга маълум. Жумладан, Самарқанд, Бухоро ва Хива, Шаҳрисабз ва Қарши, Термиз, Марғилон каби қадимий шаҳарларимизнинг юбилей саналари, Имом Бухорий, Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек сингари жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган боболаримизнинг таваллуд тўйлари юксак ташаббускорлик ва ташкилотчилик асосида, жамоатчилик ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилиб, бу борада мамлакатимиз БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганидан бутун жаҳон аҳли яхши хабардор.

Шу ўринда Ўзбекистон халқининг ниҳоятда бой ва ранг-баранг номоддий маданий меросига бўлган қизиқиш ҳам тобора ортиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда нишонлангани, мана 17 йилдирки юртимизда байрам қилиб келинаётган Наврўз тантаналари, лапар, катта ашула, бахшичилик, «Шашмақом», аския каби халқ оғзаки ижодининг ўлмас намуналарини ким ҳам билмайди дейсиз. Шу маънода, ЮНЕСКОнинг 2003 йил сентябрь-октябрь ойларида Париж шаҳрида бўлиб ўтган ўттиз иккинчи Бош конференциясида қабул қилинган «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция»си айнан шу турдаги қадимий мерос дурдоналарининг ҳаётийлигини таъминлашга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Мазкур Конвенция 2006 йилнинг 20 апрелидан кучга кирган бўлиб, ҳозирги вақтда 78 давлат унга аъзо. Конвенция кириш қисми, 9 боб, 40 моддадан иборат. Унга мувофиқ «номоддий маданий мерос» тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни ўзида акс эттиради. Ўз навбатида улар ҳамжамиятлар, гуруҳлар, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганини англатади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради. Шу билан улар инсоният ижоди ва маданий хилма-хилликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади.

Номоддий маданий мерос қуйидаги соҳаларда намоён бўлади: ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шакллари, шу жумладан, тил номоддий-маданий меросни акс эттирувчи омил сифатида; ижро санъатида; жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари; табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар йиғиндиси; анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар. Конвенциянинг мазмунига кўра, «муҳофаза» сўзи номоддий маданий мероснинг ҳаётийлигини таъминлаш, шу билан бирга уни ҳужжатлаштириш, тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳимоя қилиш, оммалаштириш, ролини ошириш, тарғиб қилиш чораларини асосан расмий ва норасмий таълим ёрдамида амалга ошириш ҳамда бундай мероснинг турли жиҳатларини қайта барпо этиш деган маънони англатади.

Конвенция мақсадлари учун ЮНЕСКО қошида номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита ташкил этилади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий меросни муҳофаза қилишни таъминлаш, ривожлантириш ва ролини оширишга йўналтирилган умумий сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга ихтисослашган ваколатли ташкилотларни ташкил этади, илмий-техникавий, санъатшунослик соҳасидаги тадқиқотларга кўмаклашади, тегишли ҳуқуқий, техникавий, маъмурий ва молиявий чораларни кўради.

Номоддий маданий меросни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш унинг кенг оммавийлигини таъминлаш, моҳиятини ва маданий турли-туманликни ҳурмат қилиш асосида ўзаро мулоқотни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади. Тегишли иштирокчи давлатлар таклифига кўра, қўмита инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатини тузади ва уни мунтазам янгилаб боради. Қўмита тегишли муҳофаза чораларини кўриш мақсадида муҳофазага муҳтож номоддий маданий мерос рўйхатини тузиб чиқади ҳамда тегишли иштирокчи давлат илтимосига кўра, бундай меросни рўйхатга олади.

Ҳозирги вақтда ЮНЕСКО ер юзидаги оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналари рўйхатини тузган бўлиб, бу рўйхат ташкилотга аъзо 60 та давлатнинг 90 та дурдонасини ўз ичига қамраб олган. Улар орасида Ўзбекистон номоддий маданий меросининг 2 та нодир намунаси бор: булар Бойсун туманининг маданий мероси (2001 йил) ҳамда «Шашмақом» мусиқа анъаналаридир (2003 йил).

Яқинда Президентимиз шу йилнинг 21 ноябрида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 1 декабрда Сенат томонидан маъқулланган **«Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни** ***(Париж, 2003 йил 17 октябрь)*** **ратификация қилиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига имзо чекди. Мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши мамлакатимизда моддий ва номоддий маданий меросни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келиб, халқимиз номоддий маданий меросини дунё миқёсида янада кенг тарғиб қилишда янги-янги имкониятлар яратади.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**


## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ





БАРЧА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

***Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.***

*Тошкент шаҳрида:*
*«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.*

*«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.*

*Тошкент вилоятида:*
*«БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.*
*Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.*

*«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.*

*«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Гинекологик, андрологик касалликлар.*

*«ОҚТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.*
*Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.*

*Бухоро шаҳрида:*
*«СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.*

*Жиззах вилоятида:*
*«ЗОМИН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.*
*Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.*

*Қашқадарё вилоятида:*
*«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.*

*«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.*
*Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.*

*Наманган вилоятида:*
*«ЧОРТОҚ» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.*
*Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.*

*«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.*

*«НИҲОЛ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари.*

*Самарқанд вилоятида:*
*«АБУ АЛИ ИБН СИНО» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.*
*Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.*

*Фарғона вилоятида:*
*«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.*
*Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.*

*Хоразм вилоятида:*
*«ХОНҚА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА*
*Даволаниш учун кўрсатма:*
*Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.*

*ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ – 14 КУН*
*Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон ҳисобланади!*
*Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 153-85-68, 153-70-97.





2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

# Меҳрнинг мунчоқ кўзлари

Ҳар гал Китобдаги Меҳрибонлик уйи ҳовлисига қадам қўйганимда, бошқача бир руҳ, ўй-ҳаяжон мени чўлғаб олади. Эсимда, бундан бир неча йил бурун машҳур шоир дўстимиз шу ерда бўлиб, болалар уйидаги мактабда ўқигани ҳақида, бошини силаган устозлари, тарбиячилар ҳақида самимий дил сўзларини айтганди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Бу даргоҳда ишлаётганимга яқинда қирқ йил тўлади, — дейди тарбиячи Зуҳра Раупова. — Илгарилари бинолар эски, шароит ҳам шунга яраша эди. Аммо барча тарбиячи-ўқитувчилар бир бўлиб, қалбимиздаги меҳр-муҳаббатни болаларга бағишлаб, астойдил ишлардик. Уларнинг мурғак кўнгли ўксимасин, дердик, баъзан уйимизга олиб кетардик. Шу йиллар мобайнида қанчалаб ёшларни тарбиялаб ўстирдик. Мустақиллик йилларида бундай эъзоз ва эътибор минг чандон ўсди.



— Зуҳра опанинг бу гаплари юракда яна бошқа хотираларни уйғотди, — дея суҳбатга қўшилади хўжалик бекаси Меҳринисо Ирисова. — Отам оламдан ўтгач, биз болалар билан онам қийналиб қолдилар. Шунда маҳалламиз оқсоқоли раҳматли Носир Бердиев моддий ёрдам уюштириб, мени турмушга узатганлар. Ҳозир уч ўғлим, келиним, набирам бор. Яхшилик унутилмаскан. Мен ҳам бу ердаги болалар бошқаларнинг меҳрини ҳис қилиб турсин, деб қўлимдан келганча уларга ширин сўз айтаман. Ёдимда, ўтган йили Чарос исмли қизимиз Шаҳрисабздаги тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Бир аёл уни ўзига қиз қилиб олиб, турмушга узатди. Бундай меҳрибонликни унутиш мумкинми? Болалар халқнинг, юртнинг меҳрини сезиб улғайса кўнгли бутун, қадами шаҳдам, келажаги порлоқ бўлади. Хўп деяверинг, бу шунчаки гап эмас. Юртбошимиз Конституциямизнинг 15 йиллигида айтган фикрларга эътибор қилинг. **Махсус мактаблар ва Меҳрибонлик уйларига бир йил ичида ҳам қурилиш, ҳам транспорт олиб беришга 9,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланибди!** Президентимиз Навоий бобомизнинг улуғ гапларини ҳам тилга олдилар: кўнгли ярим бир инсонга ҳамдард бўлиш, руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробар...

Меҳринисо опа ҳақ. Шу бир-икки йил ичида Меҳрибонлик уйидаги қилинган янгиликларнинг ўзиёқ бор ҳақиқатни айтиб турибди. Икки йил аввал янги ётоқхона қурилган экан. Бу йил бош ҳомий — «Муборакнефтгаз» унитар корхонаси маиший хизмат биноси қуриб берибди. Болалар ювинадиган хоналар ҳам қулай ва барча шароитлар ҳозирланган. Шу жойда улғайиб, айни пайтда Меҳрибонлик уйига раҳбарлик қилаётган Тоштемир Сатторовга ўтган йили «Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилди. Юртбошимизнинг совғаси — Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган янги автобус Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига тортиқ қилинди. Эндиликда болалар ўз автобусларида саёҳатга чиқадиган бўлдилар.

Агар кузатган бўлсангиз, бундай масканлардаги устоз-шогирд муносабатлари баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади. Одатда, мактабларда дарсдан чиққан болалар тўғри уйларига ошиқишади. Бу жойда эса ошхонада, ётоқхонада, машғулотлар пайтида устозлари, тарбиячилари билан бирга бўлган болалар кун давомида уларнинг назоратида, эътиборида бўлади. Очиғи, бу ерни ҳақиқий катта оилага қиёслаш мумкин. Мен ҳам улар билан ана шулар, болаларнинг орзу-ташвишлари ҳақида дилдан суҳбатлашдим. Меҳрибонлик уйи директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Нўъмон Ҳусановнинг айтишича, айни пайтда 102 нафар бола тарбияланаяпти. Жами 16 ўқитувчи ва 12 тарбиячи уларга илм бериб, ардоқлаб ўстираяпти.

Ўттиз тўрт йилдан буён бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаётган Гулдона Зуфарова ўз ишининг моҳир устаси. У болаларнинг қизиқишлари ҳақида гапирар экан, шу ерда камолга етган, айни пайтда иқтисодчи бўлиб шартнома асосида Малайзия давлатида ишлаётган шогирди — Самандар Қурбоновни фахр билан тилга олди. Умуман, кўп ўқувчилар Самандар ва бошқа ака-опалари эришган ютуқларга ҳавас қилишлари, уларнинг изидан боришларини яширишмади. Бундай ибрат — эзгуликнинг асоси, албатта.

— Мен адабиётга қизиқаман, — дейди 6-синфда таълим олаётган Ҳимоят Яхшибоева. — Абдулла Ориповнинг шеърларини ёддан биламан. Тарбиячиларимиз ота-онамдай меҳрибон.

— Мен математикага қизиқаман, — дейди 7-синф ўқувчиси Жовли Ўролов. — Мактабимизда компьютер синфимиз бор. Ҳозир ундан қандай фойдаланишни ҳаммамиз яхши биламиз. Келгусида математика фани ўқитувчиси бўлмоқчиман...

— Бу болалар илмнинг ҳақиқий шайдоси, — дейди ўқитувчи Дилбар Жабборова. — Менимча, аниқ фанларга иштиёқ давр талаби, руҳи билан боғлиқ бўлса керак. Албатта, ўқитувчига шогирдлар эргашади, бу ҳам бор гап. Битта воқеани айтай. Яқинда кўчада кетаётсам, бир йигит «Дилбар опа, соғ-саломатмисиз» дея сўрашиб қолди. Зўрға танидим — Солик Саидов деган ўқувчимиз. Орадан ўн беш йил ўтибди, ҳунарли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетибди. Шундай севиндимки... Қани энди, ҳозир ўз жигарбандини Меҳрибонлик уйига топшириб кетаётган баъзи ота-оналар фарзандлари келажакда шундай меҳрибон, қобил инсонлар бўлиб вояга етишларини билса. Шунда орамизда етимлик деган сўзга умуман ўрин қолмасмиди?..

Мен шу куни Меҳрибонлик уйида меҳрнинг мунчоқ кўзлари — ширин-шакар болажонларнинг қанчалаб қанотли орзу-истакларига гувоҳ бўлдим. Энг муҳими, улар бу ерда чинакам ғамхўрликни ҳис қилиб улғайишяпти. Абдуғани Турдиев деган йигитнинг дил сўзларини сиз ҳам эшитинг. Яхши пазанда бўлиб етишган Абдуғани устозларидан хабар олиб турар экан. Бу сафар у барчани Янги йил билан қутлагани келибди:

— Меҳрибонликларингизни ҳеч қачон унутмаймиз! Янги йил сизларга бахт келтирсин!

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

✧✧✧

**Суратда:** *Китоб туманидаги 3-сонли Меҳрибонлик уйига тортиқ қилинган Президент совғаси — «ISUZU» автобуси.*

*Яйпаннинг «Олимжон АКБАРОВ» (Фарғона вилояти) футбол жамоаси барча юртдошларимизни, мухлисларни Янги — 2008 йил билан қутлайди. Ҳар бир хонадонга тинчлик-осойишталик, қут-барака тилайди!*



Қадрли акциядорлар ва мижозлар,
ҳурматли ҳамюртлар!

АТ «Пахта банк»

Сизларни кириб келаётган Янги йил билан
чин дилдан табриклайди!

2008 йилда Сизга бахт-саодат, соғлик ва
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!
«Пахта банк» Сизга йиллик 30 % ли

«ИФТИХОР»

жамғарма омонат турини таклиф этади.
Маблағлар 1, 3, 6, 9, 12 ва 15 ойлик
муддатга сақлаш шарти билан
қабул қилинади.
Шошилинг, маблағлар жорий йилнинг
31 декабригача қабул қилинади.

Ўзингизга бир йилга татигулик
совға қилинг!

«Пахта банк» —
фаровонлигингиз калитидир!




Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон — Германия

«Савдогар»

акциядорлик-тижорат банки жамоаси

Ўзбекистон аҳлини, ўз акциядорлари ва
ҳамкорларини 2008 йил билан қутлайди.

Янги йил ҳар бир оилага бахт-саодат,
яхшилик келтирсин!

Мамлакатимиз осмони мусаффо,
эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 281-30-29, 254-18-65. Web site: www.savdogarbank.uz
E-mail: info@savdogarbank.uz

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Qurbon ESHMATOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1150
*7929 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
O`zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda